

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД – 5А220101 – 2.02

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2017 йил “24” 08

АУДИОВИЗУАЛ СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000	–	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220000	–	Журналистика ва ахборот
Магистратура мутахассислиги:	5А220101	–	Журналистика (спорт журналистикаси)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

- А.Каримов – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси мудири, ф.ф.н.
- А.Дадахонов – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси катта ўқитувчиси
- Ў.Мирзаёров – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири

Такризчилар:

- С.Ҳақимов – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси *(кадрлар истеъмолчиси)*.
- Ю.Хамдамов – ЎзМУ, “Рақамли ОАВ” кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Н.Қосимова – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Магистратура босқичида ўтиладиган “Аудиовизуал спорт журналистикаси” фани доирасида бўлғуси соҳа мутахассисларига аудиовизуал ОАВ технологиялари ривожланган бугунги кунда ТВ, радио ва интернет журналистикаси каналлари орқали спорт журналистикасига доир ахборот тарқатиш фаолияти билан шуғулланишнинг назарий ва амалий асослари ўргатилади. Жумладан, замонавий спорт трансляцияларининг эфир турлари, туркумлари, ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади, спорт материаллари телевидение ва радионинг таъсир функцияларига кўра таснифланади. Машғулотларнинг асосий қисми журналистларнинг ушбу соҳада бевосита материал тайёрлаш ва эфирга узатиш технологияси лабораториясини амалга оширишдан иборат бўлади.

“Аудиовизуал спорт журналистикаси” фани мутахассислик блокига киритилган фан ҳисобланиб 1-2 семестрларда ўқитилади. Ихтисослаштирилган спорт теле- ва радиоканал, интернет ОАВда фаолият олиб боришда “Аудиовизуал спорт журналистикаси” фанидан ўзлаштирилган билимлар катта аҳамият касб этади..

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фаннинг мақсади – замонавий аудиовизуал спорт журналистикаси, унинг каналлари, ўзига хос таракқиёт тенденцияларини янги эфир форматларида таҳлил қилиб, уларда қўлланиладиган техника ва технологик воситаларини таҳлил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифалари – магистрантларга жаҳоннинг етакчи спорт каналлари фаолиятининг янги эфир усуллари таҳлил қилиш орқали спорт журналистикасининг таракқиёт тенденцияларини қиёсий таҳлили, замонавий эфир усуллари бир-бирдан фарқлай олиш ҳамда уларнинг афзаллик ва камчиликлари, спорт журналистикасининг радио, ТВ ва интернет ОАВ каналларида фаолият юритишидаги ўзига хосликлари ва касбий маҳорат сирларини ўргатишдир.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- аудиовизуал спорт журналистикасининг ўзига хос хусусиятлари;
- спорт журналистикасининг радиоканаллардаги фаолияти;
- телеканалларда спортга оид ахборот материалларини узатиш масалалари;
- интернет тармоғида спорт журналистикасининг таракқий этиши;
- рақамли телевидениенинг спорт журналистикаси самарадорлигига таъсири ҳақида

тасаввурга эга бўлиши;

- юқори тиниқликдаги HD телеканаллар яратаётган имкониятлари ҳамда спорт каналлари учун афзалликларини;
- жаҳонда оммалашиб бораётган 3D ва 4D формати хусусиятлари;
- келажак телевидениеси деб таърифланаётган UHD телеканалининг имкониятлари билан 3D ва 4D формати фарқларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
- аудиовизуал спорт журналистикаси жанрларида ёза олиш;
- аудиовизуал спорт журналистикаси каналларида ахборот материалларини ўқиш, шарҳлаш, дастурни олиб бориш;
- интернет журналистикасида спорт материалларини жойлаштириш;

- бутун дунёга трансляция қилинадиган йирик спорт тадбирларини эфирга узатиш имкониятлари ва жонли эфирнинг таъсир воситалари бўйича **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-Модуль. Радио ва телевидениеда спорт журналистикаси

1-мавзу. Спорт мавзусининг телерадиога кириб келиш тарихи

19 асрнинг ўрталаридан бошлаб спорт турларининг оммалашуви. Ушбу даврдан бошлаб спорт журналистикасининг аста секин тараққий этиши. Спорт мавзусидаги илк материалларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ушбу соҳанинг ривожига таъсири. 20 асрдан бошлаб радио ва телевидениега спорт репортажларнинг кириб келиши. Биринчи спорт шарҳловчиларнинг жонли эфирдаги фаолияти

2-мавзу. Телерадиоканалларда ихтисослашган спорт йўналишининг асосий концепцияси

Ўзбекистон телевидениесида 2004 йилда “Спорт” каналининг ташкил этилиши. 2006 йилда Миллий телерадиокомпания тасарруфида “Спорт” телерадиоканали ДУК ташкил этилиши. “Спорт” телерадиоканалининг асосий мақсади ва вазифаси, таркибий тузилиши. Информацион дастурлар, кўрсатувлар, трансляция, роликлар, дубляж студиялари материалларининг улуши. “Спорт” каналининг 6 соатлик эфирдан 24 соатлик эфирга ўтиш тадрижий механизми. “Машъал” – биринчи спорт радиоканали сифатидаги фаолиятида спорт мавзусидаги эшиттиришларнинг эфирга тайёрлаш ўзига хослиги.

3-мавзу. Спорт мавзусидаги портрет очерклари, репортаж, таҳлилий кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш механизми

Спорт мавзусидаги тематик кўрсатув ва эшиттиришларни ҳафталик кўрсатувлар дастуридаги ўрни ва фоизий коэффициенти. Тематик кўрсатув ва эшиттиришларнинг кунлик дастурлаш тизимидаги ўрни. Кўрсатувларнинг таркибий тузилиши, тайёрлаш, монтаж қилиш, эфирга узатиш механизми. Спорт мавзусидаги кўрсатувларнинг асосий мақсади, йўналиши ва вазифалари. “Спорт” телерадиоканалидаги кўрсатув ва эшиттиришларнинг жанр таҳлили. Улардаги мавзу ёритилишининг халқаро ҳамда миллий журналистика мактаби асосига кўра таҳлили.

4-мавзу. Янгиликлар дастурини тайёрлашда халқаро ҳамда мамлакатимизга оид спорт хабарлари тузилиш концепцияси

Спортга ихтисослашган телерадиоканалларда муҳим спорт воқеаларига оид лавҳалар - информацион дастурларнинг асосий лавҳалари сифатида. Олимпия ўйинлари, минтақавий чемпионатларда юртимиз спортчилари эришаётган ютуқлар ҳақида материаллар. Нуфузли халқаро турнирлар кундалиги, ҳукуматимиз томонидан спортга оид турли қарорларнинг қабул қилиниши баён этилган лавҳалар тайёрлашнинг ўзига хослиги. Хорижда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни муҳимлик жиҳатдан саралаш механизми, халқаро воқеа-ҳодисаларга объектив баҳо бериш масъулияти, халқаро спорт янгиликларида мамлакатимиз спортчиларининг ютуқ ва мағлубиятини ифода этишда ватанпарварликнинг ўзига хослиги, Халқаро спорт хабарларини ихтисослашган ҳамда марказий каналларда ифода усулларининг ўзига хослиги; Хориж спортга оид лавҳалар тайёрлашнинг ўзига хос лисоний услублари ҳамда этикавий меъёрлари; Хориж

хабарларини тайёрлаб, эфирга узатишда умуминсонийлик тамойилларига риоя қилиниши

5-мавзу. Болалар спортга оид материалларни эфирга тайёрлаш

Болалар спортга оид материалларнинг информацион дастурларда эфирга узатиш. Болалар спорти мавзусининг кўрсатувларда очиб берилиши. Уч босқичдан иборат кичик Олимпияда деб ном олган “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт беллашувларини “Спорт” телерадиоканалида ҳамда марказлашган каналларда ёритилиш механизми: шарҳлаш, хабар бериш, таҳлилий кўрсатув тайёрлаш концепцияси. Болалар ва ўсмирлар билан ишлашда интервьюга тайёрлаш, савол-жавоб бериш ўзига хослиги. Юртимизда болалар спортга берилаётган эътиборни ОАВ, жумладан, телерадиоканалларда ёритишнинг долзарблиги ва аҳамияти.

6-мавзу. Спорт мавзусида маърифий-таълимий лойиҳалар тайёрлаш концепцияси

Спорт мавзусидаги маърифий, таълимий кўрсатувлар: “Стать ближе”, “Футбол шарҳи” каби тележурналларда жанрлар уйғунлашуви. Студияда тайёрланадиган кўрсатувларда журналист ва бошловчилик вазифасининг уйғунлиги. Таълимий лойиҳаларнинг радиодаги жонли эфирда берилиш моҳияти. Викторина ўйинларнинг таркибий тузилиши. Спорт мавзусидаги маърифий роликлар, клиплар тайёрлашнинг мақсади ва унда муаллифнинг тутган ўрни.

7-мавзу. Жамоавий спорт турларини шарҳлаш

Жамоавий ёки ўйин спорт турлари бўлган футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, мини футбол каби спорт турларини шарҳлашнинг ўзига хослиги, бундай шарҳларда ҳолислик тамойилларига риоя этиш. Жамоавий ўйинларни шарҳлашда ипровизация ҳолатини қўллаш усуллари. Шарҳларда овоз ҳамда тасвир ифода усуллари уйғунлиги. Жамоавий спорт турларини шарҳлашда шахсий субъективизим ҳолатларини олдини олиш. Маҳаллий ҳамда халқаро спорт тадбирларини шарҳлашнинг ўзига хос хусусиятлари. Жамоавий спорт турларини шарҳлашда интерактив усуллардан фойдаланишнинг имкониятлари.

8-мавзу. Яккакураш спорт турларини шарҳлаш

Яккакураш спорт турлари бўлган миллий кураш, юнон-рум кураши, эркин кураш, дзюдо, самбо, бокс, каратэ, таэквандо, муайтай, у-шу, кикбоксинг каби спорт турларини шарҳлашнинг ўзига хослиги. Яккакураш спорт турларини шарҳлашда ҳолислик, умуминсонийлик тамойилларига риоя этиш, этикавий меъёрларининг қўлланилиши. Яккакураш спорт турларининг шарҳида ватанпарварликнинг намоён бўлиши, жонли эфирда импровизация ҳолатининг вужудга келиши, аудиторияни ўзига жалб этишнинг усулларидан фойдаланиш.

9-мавзу. Олимпия дастурларига киритилган спорт турларини шархлашнинг ўзига хослиги

Олимпия дастурларига киритилган ҳамда оммавий бўлган теннис, енгил ва оғир атлетика, от спорти, сув спорти, пойга спорт турлари, ўқ отиш спорт турларини шархлашнинг ўзига хослиги. Ушбу спорт турларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда шарҳга журналистнинг тайёрланиш усуллари, Жонли эфирда импровизациядан фойдаланиш, жонли эфирда параллел шарҳлар узатишнинг ўзига хослиги, студияда шархлашнинг имкониятлари, шарҳ тайёрлашда жонли шовқинлар, аудитория овозларидан фойдаланиш, титр бериш шартлари.

10-мавзу. Эстетик спорт турларини шархлашнинг ўзига хослиги

Эстетик спорт турлари бўлган бадий гимнастика, синхрон сузиш, фигурали учиш спорт турларини шархлашда артистизм ҳамда техникага берилаётган баҳоларда субъективизмнинг учраб туриши. Эстетик спорт турларида умумий гимнастика, акробатика, жисмоний тайёргарлик билан бирга артистизм, мусика, хореографияга оид атамаларнинг ишлатилиши, Жонли эфирда шархлашда аудиторияга эстетик завқ олиш имкониятини яратиш, шарҳ жараёнида яқка дастурлар, гуруҳ чиқишлар, жуфтлик чиқишларни шархлашнинг ўзга хослиги. Эстетик спорт турларини шархлашда лисоний ва этик талабларга риоя этиш, миллий минталитетни ҳисобга олиш.

2-Модуль. Аудиовизуал спорт журналистикасининг замонавий техника ва технологиялари

11-мавзу. Аудиовизуал журналистиканинг янги техника ва технологиялари

Ахборот технологиялари жадал ривожланаётган бугунги кунда аудиовизуал ахборот тарқатиш техникаси ва усуллариининг ўзгариб бораётганлиги. Аудиовизуал журналистиканинг янги кўринишлари: мобил журналистика, рақамли журналистика, онлайн журналистика кабиларнинг спорт журналистикаси тараққиёти ва спорт материалларини тезкор ва сифатли узатишга таъсир кўрсатаётганлиги.

12-мавзу. Спорт трансляциялари эфирга узатилишида ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнининг пайдо бўлиши

Коммуникация турлари. Таъсир кўрсатиш жараёнида инсоннинг физиологик қобилиятларининг фаоллашуви. Ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида ижтимоий хусусиятларнинг акс эттиши. Жонли эфирдаги спорт тадбирларини ёритиш жараёнида ўзаро таъсирнинг ижобий натижалари. Ўзаро таъсирга асосланган коммуникация жараёнлари янги форматдаги телевидение яратилишига таъсир кўрсатиши.

13-мавзу. Йирик спорт тадбирларини ёритишда замонавий эфир усуллариининг қўлланилиши

Олимпияда ўйинларини ёритиш механизми. Олимпияда ўтказиладиган ҳудуд лойиҳаси таҳлили. Турли спорт майдончаларининг жойлашув схемаси. Спорт

тадбирларининг ОАВ ёрдамида ёритиш учун яратилган шароитлар. Ушбу спорт тадбирини ёритиш учун танланган замонавий технологиялар имкониятлари.

14-мавзу. HD форматда спорт тадбирларини эфирга узатишнинг аудитория учун яратилаётган қулайлиги

HD форматига қисқача таъриф. Ушбу форматнинг юқори кўрсаткичли тасвир имкониятлари ва аудитория учун яратиладиган имкониятлари. Рақамли телевидениенинг анъанавий телевидениедан фарқи. Ушбу форматда ёритилган йирик спорт тадбирлари ҳақида маълумот. Юртимизда HD форматда йирик спорт тадбирларини ёритиш.

15-мавзу. 3D ва 4D форматининг спорт трансляциялари учун афзаллик ва камчиликлари

3D ва 4D форматига қисқача таъриф. Ушбу форматда материал томоша қилишнинг қулайлиги ҳамда ахборот хавфсизлиги муаммоларининг вужудга келиши. 3D ва 4D форматининг медиа бизнесдаги тутган ўрни. Ушбу форматда эфирга узатилган йирик спорт тадбирлари. 3D ва 4D форматининг спорт тадбирларини тасвирга туширишдаги имконият ва камчиликлари.

16-мавзу. Келажак телевидениеси сифатида таърифланаётган UHD форматининг тасвир ва таъсир имкониятлари

Келажак телевидениеси сифатида таърифланаётган UHD телевидениесининг тасвир, таъсир, техникавий имкониятлари. Яқин келажакда ушбу форматнинг оммалашув имкониятлари. UHD телевидениеси ускуналари ҳамда жиҳозлари борасида илмий ёндашувлар. Бу форматнинг спорт тадбирларини ёритишдаги имкониятлари.

17-мавзу. Замонавий спорт журналистикасида журналистга қўйиладиган талаблар

Замонавий спорт журналистикасида бошловчи, шарҳловчи, мухбир ва муаллифга қўйиладиган талаблар. Тезкорлик, овоз ва тасвир функцияларининг уйғунлашуви. Формат тушунчаларининг журналист фаолиятига таъсири. Янги техникавий форматларнинг уйғунлашувида журналист ва бошловчининг масъулияти.

18-мавзу. Жонли эфирда спорт тадбирларининг ёритилишида халқаро журналистнинг маҳорат масалалари

Халқаро спорт шарҳловчилари, аккредитациядан ўтган мухбирларнинг хориждаги фаолияти борасида тушунчалар. Йирик спорт тадбирларини жонли эфирда ёритишда техник имкониятлар ва журналистга қўйиладиган талаблар. Жонли эфирда материал тайёрлаш билан ёзувдаги материалнинг фарқи. Халқаро журналистнинг касбий масъулияти масалаларининг долзарблиги

19-мавзу. Янги эфир воситалари яратаётган техник имкониятларнинг аудиторияга юклайдиган масъулияти

Янги форматларнинг кўпайиши натижасида аудиторияга турли имкониятларнинг яратилиши. Ўзаро таъсир жараёнига аудиториянинг тайёргарлик жараёнлари. Бу жараёнда мухлис ва журналист ўзаро коммуникациясининг вужудга келиши. Ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнида журналист билан аудитория мулоқотида ижтимоий жараёнларнинг фаоллашуви.

3-Модуль. Интернет тармоғида спорт журналистикаси

20-мавзу. Интернет ОАВ спорт журналистикаси тараққиётига тўртки берувчи канал сифатида

Спорт журналистикаси ривожига ва аҳоли ўртасида унинг янада оммалашувида интернетнинг ўрни. Спортга оид ахборот узатадиган интернет манбалари таснифи. Интернетда спортга оид сайтлар, форумлар, ОАВ каналларининг пайдо бўлиши.

21-мавзу. Интернет тармоғида спортга ихтисослашган сайтлар фаолияти

Миллий ва халқаро спорт ташкилотлари, федерациялар сайтлари. Ташкилот фаолияти ва аудитория ҳамда ўз ҳамкорлари билан ишлашда интернет сайтларининг ўрни. Спорт сайтларининг умумий таснифи. Спорт сайтларининг умумий қиёфаси. Спорт сайтлари контентини яратиш масалалари. Спортга оид сайтларда ахборотни ёзиш, жойлаштириш ва интернет аудиторияси билан уларни муҳофафа қилиш масалалари. Сайтларда интерактивлик масалалари.

22-мавзу. Онлайн радиоканалларда спорт мавзуси ва онлайн спорт радиоканаллари фаолияти

Интернетда радиоканаллар таснифи. Онлайн радиоканалларда ва уларнинг сайтларида спорт журналистикаси ахборот материалларининг бериб борилиши. Ахборотларнинг шакл, жанр ва форматлари. Анъанавий радиоканалларнинг интернет версияларида спорт материалларини узатиш маҳорати. Соф онлайн радиоканалларда спорт материалларининг узатилиши. Спорт радиоканаллари фаолияти ва уларнинг онлайн журналистикада иш юритиш технологиялари.

23-мавзу. Интернет телевидениесида спорт мавзуларининг ёритилиши

Ижтимоий тармоқнинг спорт мавзуларини ёритишдаги ўрни. Интернет ТВнинг муаллифлари, мухлислари, мухбирлари борасида тушунчалар. Спорт мавзусини ёритишда интернет телевидениенинг анъанавий ТВдан фарқли жиҳатлари. Интернет ТВнинг оммалашуви ҳамда унда спорт янгиликларининг акс этиши. Спорт янгиликларини тайёрлашда Интернет ТВнинг имконият ва камчиликлари

24-мавзу. Ижтимоий тармоқлар ва блогсоҳада спорт мавзусининг ёритилиши

Ижтимоий тармоқлар ва блогсоҳа фуқаролик журналистикасининг таркибий қисми сифатида спорт журналистикаси оммалашувида кучли таъсир кўрсата олиш имконияти. Ижтимоий тармоқлар таснифи ва уларда спортга оид ахборот материалларининг жойлаштирилиши ва муҳофафа қилиниши масалалари.

Блог турлари ва уларда спорт материалларининг жойлаштирилиши. Блоглар спорт журналистлари ва спорт ОАВ учун ахборот узатиш ва ўз аудиториясини кенгайтиришнинг усули сифатида.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Спорт мавзусининг телерадиога кириб келиш тарихи
2. Ўзбекистонда аудиовизуал спорт журналистикасининг ривожланиши
3. Жаҳон мамлакатларида аудиовизуал спорт журналистикасининг ривожланиши.
4. Телерадиоканалларда ихтисослашган спорт йўналишининг асосий концепцияси
5. Спорт мавзусидаги портрет очерклари, репортаж, таҳлилий кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш механизми
6. Янгиликлар дастурини тайёрлашда халқаро ҳамда мамлакатимизга оид спорт хабарлари тузилиш концепцияси
7. Болалар спортига оид материалларни эфирга тайёрлаш
8. Спорт мавзусидаги маърифий-таълимий лойиҳалар тайёрлаш концепцияси
9. Жамоавий спорт турларини шарҳлаш
10. Яққакраш спорт турларини шарҳлаш
11. Олимпия дастурларига киритилган спорт турларини шарҳлашнинг ўзига хослиги
12. Эстетик спорт турларини шарҳлашнинг ўзига хослиги
13. Аудиовизуал журналистиканинг янги техника ва технологиялари
14. Спорт трансляциялари эфирга узатилишида ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнининг пайдо бўлиши
15. Йирик спорт тадбирларини ёритишда замонавий эфир усулларининг қўлланилиши
16. HD форматда спорт тадбирларини эфирга узатишнинг аудитория учун яратилаётган қулайлиги
17. 3D ва 4D форматининг спорт трансляциялари учун афзаллик ва камчиликлари.
18. Келажак телевидениеси деб таърифланаётган UHD форматининг тасвир ва таъсир имкониятлари
19. Замонавий спорт журналистикасида журналистга қўйиладиган талаблар
20. Жонли эфирда спорт тадбирларининг ёритилишида халқаро журналистнинг маҳорат масалалари
21. Янги эфир воситалари яратаётган техник имкониятлар аудиторияга юклайдиган масъулияти
22. Интернет ОАВ спорт журналистикасини тараққиётга туртки берувчи канал сифатида
23. Интернет тармоғида спортга ихтисослашган сайтлар фаолияти
24. Онлайн радиоканалларда спорт мавзуси ва онлайн спорт радиоканаллар фаолияти
25. Интернет телевидениесида спорт мавзуларининг ёритилиши
26. Ижтимоий тармоқлар ва блогсоҳада спорт мавзусининг ёритилиши

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Спорт янгиликларни дастурлаш технологияси.

2. Спорт янгиликларида нуфузли мусобақалардан материал тайёрлаш технологиялари.
3. халқаро спорт хабарларини таҳлил қилиш ҳамда болалар спортга оид лавҳаларни эфирга узатиш масалалари.
4. Спорт янгиликларида инфор­мацион, таҳлилий материаллар, югурик қаторни тезкор тайёрлаш усуллари.
5. олимпияда турларига кўра шарҳлар таснифи.
6. Жамоавий ўйин, якка кураш, эстетик спорт турлари шарҳларини тайёрлаш,
7. нуфузли беллашувлар маросимларини шарҳлаш маҳорати
8. Телерадиоканалларда ихтисослашган спорт йўналишининг асосий концепцияси
9. Спорт мавзусидаги портрет очерклари, репортаж, таҳлилий кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш механизми
10. Янгиликлар дастурини тайёрлашда халқаро ҳамда мамлакатимизга оид спорт хабарлари тузилиш концепцияси
11. Болалар спортга оид материалларни эфирга тайёрлаш
12. Спорт мавзусидаги маъ­ривий-таълимий лойиҳалар тайёрлаш концепцияси
13. Жамоавий спорт турларини шарҳлаш
14. Яккакураш спорт турларини шарҳлаш
15. Олимпия дастурларига киритилган спорт турларини шарҳлашнинг ўзига хослиги
16. Эстетик спорт турларини шарҳлашнинг ўзига хослиги
17. Аудиовизуал журналистиканинг янги техника ва технологиялари
18. Спорт трансляциялари эфирга узатилишида ўзаро таъсир кўрсатиш жараёнининг пайдо бўлиши
19. Ўйрик спорт тадбирларини ёритишда замонавий эфир усулларининг қўлланилиши
20. HD форматда спорт тадбирларини эфирга узатишнинг аудитория учун яратилаётган қулайлиги
21. 3D ва 4D форматининг спорт трансляциялари учун афзаллик ва камчиликлари.
22. Келажак телевидениеси деб таърифланаётган UHD форматининг тасвир ва таъсир имкониятлари
23. Замонавий спорт журналистикасида журналистга қўйиладиган талаблар
24. Жонли эфирда спорт тадбирларининг ёритилишида халқаро журналистнинг маҳорат масалалари
25. Янги эфир воситалари яратаётган техник имкониятлар аудиторияга юклайдиган масъулияти
26. Интернет ОАВ спорт журналистикасини тараққиётига тўртки берувчи канал сифатида
27. Интернет тармоғида спортга ихтисослашган сайтлар фаолияти
28. Онлайн радиоканалларда спорт мавзуси ва онлайн спорт радиоканаллар фаолияти
29. Интернет телевидениесида спорт мавзуларининг ёритилиши
30. Ижтимоий тармоқлар ва блогсоҳада спорт мавзусининг ёритилиши
31. Ўзбекистонда аудиовизуал спорт журналистикасининг ривожланиши
32. Жаҳон мамлакатларида аудиовизуал спорт журналистикасининг ривожланиши.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Алексеев К.А., Ильченко С.Н. Спортивная журналистика. Учебное пособие. СПбГУ, Санкт-Петербург, 2012.
2. Matthew Nicholson. Sport and the media: managing the nexus, USA, 2007.
3. Paul Chaloner, Talking Esports A guide to becoming a world-class esports broadcaster, 2015.

Қўшимча адабиётлар

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
10. Алексеев К.А. Спортивная пресса России 19-начала 20 ввю: историко-типологический анализ: дисс. Кандидата фи.н.: 10.01.10. С.-ПБ, 2008.257 с
11. Донской Д.Б. Роль и место спортивной журналистики в системе СМИ США: дис . к.ф.н. 10.01.10. М.,208-191с
12. Гусева М. В какой медиабизнес инвестировать?. Журналист №8 Август 2011 46-47 с.
13. Левин А. Украли зрителя среди бела дня. Тематические телеканалы побеждают эфирные в борьбе за аудиторию. Журналист №7 Июль 2011 33-34 с.
14. Хомский Н. Не будь глупым. Десять способов манипулирования людьми с помощью СМИ. Журналистика и медиарынок. 2011.№6 37-39 с.
15. Смирнов В.В. Жанры радиожурналистики. М.: Аспект – ПРЕСС.2002
16. Смирнов В.В. Формы вещания. М.: Аспект-ПРЕСС. 2002
17. Смирнов В.В. Актуальные проблемы журналистики.-Ростов-на Дону.-2000.
18. Сенкевич М.П. Культура радио и телевизионной речи. М.: Высшая школа.1997.
19. Телерадиоэфир: История и современность. Под.ред.Я.Н.Засурского.- М.: Аспект Пресс, 2005
20. Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия: интерактивное поле общения . М.: Аспект Пресс, 2004.
21. Радиожурналистика.: Учебник// Под ред.Шереля.-2-е изд.-М.: Изд-во МГУ., Изд-во Высшая школа ., 2002

22. Теории управления впечатлениями и социально- психологические исследования: Сб.статей . М.,1981,
23. Филимоновых Е. У меня зазвонил телефон. Время работать на радио. М.:2002
24. Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари.Т.: Шарқ,
25. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика. М.: Аспект Пресс, 2004.

Интернет сайтлари

26. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
27. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
28. www.socialbakers.com
29. <http://www.uz/statistika>
30. www.gulfstateanalytics.com
31. <http://www.bbc.co.uk>
32. www.bbc5live.co.uk.
33. <https://www.youtube.com>
34. www.wikipedia.org
35. www.kun.uz
36. www.uza.uz
37. <http://www.mtrk.uz>
38. <http://www.books.ru>
39. <http://www.uzreport.com>
40. <http://www.render.ru>